

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД-5120200-3.03

2018 йил "18" 08



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2018 йил "18" 08

ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100000	- Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	120000	- Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши:	5120200	- Таржима назарияси ва амалиёти - (роман-герман тиллари)

Тошкент – 2018

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “25” августдаги 744-сонли буйруғининг 6-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил “18” августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

#### **Тузувчилар:**

- Н.М.Камбаров - ЎзДЖТУ, “Таржимашунослик назарияси ва амалиёти” кафедраси профессори, филология фанлари номзоди
- С.Н.Султанова - ЎзДЖТУ, “Таржимашунослик назарияси ва амалиёти” кафедраси катта ўқитувчиси

#### **Такризчилар:**

- М.Т.Ирискулов - ЎзДЖТУ қошидаги РИАИМ бўлим бошлиғи доценти, филология фанлари номзоди
- И.Ибрагимходжаев - Тошкент давлат иқтисодиёти университети, инглиз тили кафедраси доценти, филология фанлари номзоди, (*турдош ОТМ*);

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил “27” июндаги “6” -сонли баённома).

## I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий

### таълимдаги ўрни

Таржима ва таржимонлик узок асрлардан буён дунё халқлари тарихи ва маданиятида шаклланиб келаётган кўхна ижодий фаолият соҳаларидан биридир. Таржима халқлар ўртасидаги маданий, ижтимоий, дўстлик-тотувлик, яхши қўшничилик алоқалари ва муносабатларини йўлга қўйиш, мустаҳкамлаш, тараққий эттиришга хизмат қилади. Таржима орқали умуминсоний кадриятлар кенг ва чуқур илдиз отади, инсониятни янги тараққиёт поғоналарига олиб чиқади.

Таржима назарияси ва тарихи курсини ўрганиш ўрганилаётган хорижий тилни ўзига хос хусусиятларини чуқур тушуниб етишга, ўрганилаётган хорижий тилни ўзбек ва рус тиллари билан қиёслаб ўрганишга, таржима фаолиятининг ижтимоий аҳамиятини англашга, таржиманинг халқаро маданий алоқалардаги ўрнини кўрсатиб беришга йўл очиб беради.

## II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Таржима назарияси фани таржиманинг кенг жонли амалиёти билан боғлиқ бўлган қарашлар, нуқтаи назарлар, кузатишлар, ранг-баранг тажрибаларни илмий танқидий ўрганади, таржима қоидалари ва тамойилларини, уларнинг чегаралари, меъёрларини баён қилади. Европа ва Ўзбекистонда таржимачиликнинг ривожланиш тарихи, талабаларни таржима жараёни ва таржимадаги асосий муаммолар билан таништириш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Бу фанни ўрганишда талабаларнинг қуйидаги натижаларга эришишлари асосий вазифа қилиб қўйилди. Социолингвистик, дискурсив (матнни ёза олиш ва сўзлаша олиш), стратегик (билмаганда ўрнини боса оладиган воситаларни қўллаши), социомаданий, ижтимоий ва ўқиб англаш компетенцияларини, яъни лаёқатларини ўстириш асосий вазифа этиб қўйилди.

Фаннинг вазифалари жумласига замонавий лингвистик тадқиқотлардаги таржима назариясининг ўрни, коммуникациянинг алоҳида тури сифатида таржима билан боғлиқ бўлган муаммоларни текшириш, таржима назариясининг асосий категорияларини, таржимашунослик муаммоларини тадқиқ этиш материали ва услубларини кўриб чиқиш киради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

– Илмий-техник матнлар таржимаси назарияси билиш шунингдек инглиз тилининг лексик, грамматик ва стилистик хусусиятлари тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши;**

- Илмий-техник матнларининг ўзига хос хусусиятларини *билиши*;
- талаба илмий-техник матнларни луғатдан фойдаланган ҳолда ўзбек ва рус тилларига таржима қила олиши;
- матнларни таҳлил қилиш усулларини билиш, матнларнинг ёзма ва оғзаки таржима кўникмаларига эга бўлиш.

### **III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)**

#### **1-мавзу. Таржима назарияси**

Таржима ҳақида умумий тушунча, Таржима тушунчасининг мазмуни, таржима ва интерпретация, таржимон ва китобхон, бадиий адабиёт ва бадиий таржима, таржимон муаммоси, таржимонлик касби ва унинг мақсад, вазифалари.

#### **2-мавзу. Таржима назариясининг бошқа лингвистик фанлар билан алоқаси**

Таржима назарияси фанининг бошқа лингвистик фанлар орасида тутган ўрни. Таржима назарияси ва қиёсий тилшунослик. Таржима назарияси ва социолингвистика. Таржима назарияси ва психолингвистика. Таржима назарияси ва матн лингвистикаси. Таржима назарияси ва стилистика. Таржима – фаолият ҳамда жараён сифатида. Таржима жараёнининг илмий асосланган тавсифини тузиш ва унинг натижасини таҳлил қилиш мумкинлиги.

Таржима назариясининг бошқа лингвистик фанлар билан алоқаси. Ўзаро боғлиқ тилшунослик фанлари ва уларнинг таржима назарияси билан алоқаси таржиманинг ижтимоий ва психолингвистик муаммолари. Машинада таржима қилиш.

#### **3-мавзу. Таржима турлари**

Таржима назариясининг таркибий тузилиши, умумий ва махсус таржима назариялари. Оғзаки ва ёзма таржима. Оғзаки ва ёзма таржиманинг умумий ва фарқ қилувчи жиҳатлари.

#### **4-мавзу. Таржима тиллараро мулоқат тури сифатида**

Таржима ҳодисасининг моҳияти. Аслият тили ва таржима тили. Таржимада эквивалент, эквивалент бўлиш, инвариант тушунчалари. Таржимада маъно ва мазмун бирлиги. Таржиманинг лисоний ва нолисоний жиҳатлари. Таржиманинг семасиологик жиҳатлари.

#### **5-мавзу. Эквивалентлик, адекватлик (муқобиллик)**

Эквивалентлик даражалари ва турлари. Денотатив, коннотатив, денотатив ва коммуникатив эквивалентлик. Эквивалентсиз шакллар:

уларнинг экстралингвистик ва лингвистик манбаи. Сўзнинг маданиятлараро эквивалентлиги. Эквивалентликка эришиш йўллари.

### **6-мавзу. Таржима бирликлари**

Тил ва таржима бирликларининг ўзаро муносабати. Фонема, морфема, сўз, сўз бирикмаси ва гап таржима бирлиги сифатида. Таржима назариясида таржима энг катта ва ва кичик таржима бирлиги. Таржима бирликларининг муқобиллигини аниқлаш.

### **7-мавзу. Таржиманинг семантик аспекти**

Таржима трансформациялари ва уларнинг турлари. Лексик, лексик-семантик, лексик-грамматик, грамматик ва стилистик трансформациялар. Трансформацияларга сабаб бўладиган жиҳатлар. Таржима трансформацияларнинг матн услуби ва жанрига боғлиқлиги.

### **8-мавзу. Таржиманинг грамматик муаммолари**

Транспозиция (сўз тартибининг ўзгариши). Сўз туркумларининг таржимада ўзгариши. Гап бўлақларининг ўзгариши.. Гапнинг синтактик бўлақларининг таржимада ўзгариши. Грамматик шаклларнинг мос келмаслиги. Грамматик категориялар ва уларни таржимада сақлаш муаммолари.

### **9-мавзу. Таржиманинг лексик муаммолари**

Таржимада лексик ўзгаришлар. Антономик таржима. Тўриб қолдирилган сўзни таржимада қоплаш йўллари. Сўз қўшиш. Сўз тушириб қолдириш. Сўзларни умумлаштириш. Сўзларни аниқлаштириш. Миллий хос сўзлар (реалийлар) таржимаси.

### **10-мавзу. Сўз бирикмаси, фразеологик бирликлар, идиома, мақол ва маталлар таржимаси**

Сўз бирикмаларини таржима қилиш хусусиятлари. Турғун ва эркин сўз бирикмалари, идиомалар таржимаси. Мақол ва маталлар таржимасида миллийлик масалалари. Таржимада таржима қилиб бўлмайдиган сўз, сўз бирликлари ва иборалар ҳамда уларнинг таржима қилиб бўлмаслигини бартараф этиш усуллари.

### **11-мавзу. Термин ва терминология таржимаси**

Терминларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг таржимаси. Терминларни таржима қилишда қўлланадиган усуллар. Янги терминлар таржимаси муаммоси.

## **12-мавзу. Таржиманинг стилистик муаммолари**

Таржимада сўз қатламларига муқобил сўз танлаш. Нейтрал, оғзаки ва адабий сўз қатлами тушунчаси. Стилистик воситалар ва стилистик усуллар таржимаси. Стилистик бўёқдор сўзлар таржимаси.

## **13-мавзу. Таржима ва матн**

Матн ва матн бирликлари ва уларнинг таржимада сақланиши. Матн стилистикаси. Функционал услублар ва уларнинг хусусиятларини таржимада сақлаш йўллари. Насрий ва шеърий матн. Бадиий таржима. Ижтимоий-сиёсий матнлар таржимаси. Илмий-техник матнлар таржимаси. Расмий ҳужжатлар матни таржимаси.

## **14-мавзу. Таржима ва маданият**

Таржима ва маданият. Таржимада маданиятга оид муаммолар. Таржимадаги маданий мослашиш ҳолатлари. Лингвокультурология. Дунёнинг тил манзараси тушунчаси ва миллий хусусият.

## **15-мавзу. Таржима ва луғат**

Таржимада луғатларнинг ўрни. Таржима луғатлари ва улардан сўз танлаш йўллари. Изоҳли ва таржима луғатларининг таржимада муқобилликни таъминлашдаги аҳамияти. Онлайн электрон луғатлардан таржимада фойдаланиш ва таржима матни таҳрир қилиш.

## **IV. Семинар машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Семинар машғулотлар мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудиторияда ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Семинар машғулотларида ўтиш учун тавсия этиладиган тахминий мавзулар:

1. Таржиманинг лексик – семантик жиҳатлари.
2. Таржимада грамматик конструкциялардан фойдаланиш.
3. Фразеологик ва ижтимоий – сиёсий матнлар таржимаси.
4. Синхрон таржима қилиш муаммолари.
5. Таржима турлари;
6. Таржиманинг лингвистик ва нолингвистик жиҳатлари;
7. Муқобил ва вариант муносибликлари.

8. Сўзнинг кўп маънолилиги ва таржима.
9. Таржимада лексик трансформацияларнинг қўлланиши.
10. Реалиялар таржимаси.
11. Визуал таржима муаммолари.
12. Бадиий таржима асослари.
13. Ёзма таржиманинг грамматик хусусиятлари.
14. Терминологик таржимада эквивалентлик.
15. Кетма-кет таржимада қисқа ёзувдан фойдаланиш усуллари.

### **Курс иши мавзулари**

Курс иши устида ишлаш салоҳиятли раҳбар назорати остида курс ишини ёзишнинг барча босқичларини таъминланган ҳолда олиб борилади: курс иши бўйича режа тузиш, адабиётлар танлаш ва уларни таҳлил қилиш, тақризга бериш ва уни жамоа олдида ҳимоя қилишга тайёрлаш.

1. АҚШ таржима мактаблари
2. Буюк Британиядаги таржима мактаблари
3. Россия таржима мактаби
4. Ўзбекистонда таржимашунослик
5. Инглиз тилидан ўзбек/рус тилига таржима қилинган асарлар ҳақида маълумот
6. Иброҳим Ғафуровнинг таржима фаолияти
7. Ғайбулла Саломовнинг таржима соҳасида қилган ишлари
8. Нажмиддин Комиловнинг таржимага қўшган ҳиссаси
9. Питер Ньюманнинг таржимага қўшган ҳиссаси
10. Таржиманинг грамматик трансформациялари
11. Таржиманинг лексик трансформациялари
12. Таржиманинг лексик-семантик трансформациялари
13. Таржиманинг стилистик трансформациялари
14. Тил ва маданиятнинг таржимада ақс этиши
15. Эквивалентлик ва уларнинг турлари
16. Таржимада муқобиллик тушунчаси
17. Ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилинган насрий асарлар ҳақида маълумот
18. Инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилинган асарлар ҳақида маълумот
19. Стилистика ва таржима
20. Қиёсий тилшунослик ва таржима
21. Таржима таҳрири
22. Таржима луғатлари ва уларни тузиш принциплари
23. Луғатлар таснифи
24. Таржимада сўз танлаш
25. Таржимани таҳрир қилиш хусусиятлари

- 26.Электрон луғатлар билан ишлаш
- 27.Ўзма таржима турлари
- 28.Оғзаки таржима турлари
- 29.Таржимашунослик луғатлари таснифи ва таҳлили
- 30.Таржимадан илмий мақола ёзиш сирлари
- 31.Бадиий таржима хусусиятлари
- 32.Илмий таржима хусусиятлари
- 33.Газета усулубини таржимада сақлаш
34. Публицистик матнлар таржимаси
- 35.Расмий ҳужжатлар таржимаси
- 36.Таржима бирликлари ва уларнинг таснифи
- 37.Таржима ва контекст
- 38.Ўзбек тилидаги реалийларни инглиз тилига таржима қилиш йўллари
- 39.Инглиз/америка реалийларини ўзбек/рус тилига таржима қилиш йўллари
- 40.Таржимада транспозиция
- 41.Таржимада сўз тартибини ўзгартиришга сабаб бўладиган ҳолатлар
- 42.Интернационал сўзларни таржима қилиш йўллари
- 43.Таржимонларни “чалғитувчи сўзлар” таржимаси
- 44.Кўп маъноли сўзларни таржима қилиш муаммолари
- 45.Таржимага берилган турли таърифлар таснифи
- 46.Маъноси ўзгарувчан “шаффоф” сўзлар таржимаси
- 47.Таржиманинг стилистик муаммолари
- 48.Таржима жараён сифатида
- 49.Таржима фаолият сифатида
- 50.Таржима сифатини белгиловчи омиллар

## **V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Лингвистик таржимашунослик.
2. Таржимашунослик мактаблари.
3. АҚШлик таржимонлар ва уларнинг илмий ишлари.
4. Буюк Британиялик таржимонлар ва уларнинг ишлари.
5. Россиялик таржимон олимларнинг олиб борган илмий ишлари.
6. Ўзбекистонлик таржимон олимларининг илмий фаолияти.
7. Ўзбекистонда инглиз тили ва бошқа хорижий тиллардан қилинган таржималар ҳақида маълумот.
8. Таржима мактаблари.
9. Алишер Навоий ва таржима.
- 10.Билингвизм ва таржима.
11. Ўзбекистондаги таржима мактаблари.
- 12.Машина ва компьютер ёрдамида таржима қилиш.



- 13.Таржима назариясининг таркибий тузилиши, умумий ва махсус таржима назариялари.
14. Таржимон маҳорати.
- 15.Бадиий асарларни таржима қилишда таржимон маҳорати.
- 16.Прием антонимического перевода
- 17.О природе и опасности буквального перевода
- 18.История переводческой деятельности в России
- 19.Проблема эквивалентности и тип переводимого текста
- 20.Раскрытие контекстуальных значений в переводе
- 21.Тексты для перевода и их классификация
- 22.Теория регулярных соответствий
- 23.Фоновые знания и имплицитная информация
- 24.Эквивалентность перевода при передаче семантики языковых единиц
- 25.Эквивалентность перевода при передаче функционально-ситуативного содержания оригинала
- 26.Эквивалентность слов, понятий, реалий
- 27.Перевод стилистических приемов: метафора, метонимия, гиперболы
- 28.Проблемы эквивалентности перевода
- 29.Перевод фразеологизмов в художественной литературе
- 30.Лингвистические трудности перевода
- 31.Процесс перевода. Переводческие трансформации
- 32.Прагматические аспекты перевода
- 33.Краткий обзор истории типологических исследований
- 34.Применение комплексных видов трансформации при переводе
- 35.Перевод лексики содержащей фоновую информацию
- 36.Транскрипция, транслитерация и калькирование как приемы двусторонней передачи текста
- 37.О переводе метафор и метонимических слов и оборотов
- 38.Переводческие преобразования
- 39.Краткий обзор истории отечественного переводоведения
- 40.Синтаксические проблемы перевода
- 41.Стратегии понимания связного текста
- 42.Закономерные соответствия
- 43.Перевод и интерпретация
- 44.Вопросы художественного перевода
- 45.Издержки перевода
- 46.Вопросы передачи безэквивалентной лексики
- 47.Особенности перевода информационно-познавательных материалов
- 48.Особенности перевода медицинских текстов
- 49.Особенности перевода национально-специфической лексики
- 50.Особенности перевода общественно-политических текстов
- 51.Особенности перевода рекламных текстов
- 52.Особенности перевода религиозных текстов
- 53.Особенности перевода терминов (разных отраслей производства)

54. Особенности перевода экономических текстов
55. Особенности перевода юридических документов
56. Особенности перевода американского молодежного сленга\
57. Особенности поэтического перевода
58. Формирование поисковой компетенции переводчика
59. Роль предпереводческого анализа в процессе перевода
60. Текстовая компетенция переводчика
61. История развития переводоведения в Казахстане
62. Политическая корректность, или языковой такт
63. Перевод художественных текстов
64. Развитие навыков и умений письменного перевода
65. Переводчик как субъект межкультурной коммуникации

## **VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари**

### **Асосий адабиётлар**

1. Ғафуров И., Мўминов О., Қамбаров Н.. Таржима назарияси. – Тошкент, 2012.
2. Комиссаров В.Н. Теория перевода (Лингвистический аспект). – Москва, 1999.
2. Саломов Г. Таржима назарияси асослари. - Т., 1990.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
6. Мусаев Қ. Таржима назарияси. - Т.: Адолат, 2003.
7. Комиссаров В.Н. Общая теория перевода. - М., 1999.

8. Саломов Г. Таржима назариясига кириш. - Т., 1990.
9. Брандес, М.П. В. И. Провоторов Предпереводческий анализ текста, -М., 2003
10. Фафуров И. Таржима назарияси ва таржимонлик мутахассислигига кириш. - Т., 2007.
11. Комиссаров В. Н. Лингвистика перевода. - М., 1990.
12. Саломов Г. Таржима назариясига кириш. - Т., 1978.
13. Слепович В.С. Курс перевода. – Минск: ТетраСистеме, 2009. – 320 с.

### **Интернет сайтлари**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. [www.onestopenglish.com](http://www.onestopenglish.com)
3. <http://youreng.narod.ru/teoper.html>
4. <http://tpot.ru/index.html>
5. <http://www.langinfo.ru>
6. <http://www.lingvoda.ru/forum/actualthread.aspx?bid=2&tid=244>

